

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГ ВА ИЖАРА БИТИМЛАРИ ВА ПОРТФЕЛЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*  
*“Молия ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси ассистенти*  
**Холиқулова Юлдуз Панжи қизи**

**Аннотация:** Ушбу мақолада лизинг ва ижара муносабатларини шакллантиришда соҳадаги камчиликлари ва унга бериладиган янгиликлардан келиб чиққан ҳолда бу мавзуга биз кенгроқ ёндашдик. Лизинг муомалалари ҳисоби ва унинг аудитини ўтказилиш тартиблари ўрганиб чиқилган ва лизинг операциялари ҳамда банк кредит портфелининг таркиби ва динамикаси таҳлил қилинган ҳамда уларни оптималлаштириш бўйича амалий тавсиялар берилиб асосий маълумотлар кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** лизинг, лизинг субъектлари ва объектлари, лизинг муомалалари ҳисоби, асосий восита.

### КИРИШ

Ўзбекистонда лизинг ва ижара муомалаларини такомиллаштириш учун унинг бу соҳадаги камчиликлари ва унга бериладиган янгиликлардан келиб чиққан ҳолда бу мавзуга биз кенгроқ ёндашдик. Лекин бу масалани кўриб чиқишдан олдин биз озгина лизинг ва ижара тўғрисида фикрга эга бўлиш учун ушбу тушунчаларга тўхталиб ўтамиз. Ўзбекистонда лизинг муносабатларини йўлга қўйиш мақсадида аввалом бор 1999-йил 14- апрелда “Лизинг тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган.

Кейинчалик лизинг ва ижара муносабатларини такомиллаштириш мақсадида бизнинг республикамизда Молия Вазирлигининг 11 май 2009 йилда 54-сонли буйруғига асосан — “Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс этириш тартиби тўғрисида”ги Низом ва —Ижара ҳисоби бўйича 6-сонли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти ишлаб чиқилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида —Лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш масаласининг қўйилиши ўта долзарб эканлигини белгилаб берилди.

Авалло бугунги кунда лизинг амалиётларининг кундан-кунга кенгайиб бораётганлиги ҳамда унинг турли хилдаги шакллари ва турлари қўлланилаётганлиги сабабли, лизинг тушунчаларига аниқлик киритиш ва унинг туб моҳиятини очиқ бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Лизинг ва ижара ҳақида

олимларимиз томонидан турли хил фиклар келтирилган бўлиб бир гуруҳ олимлар лизинг ва ижара тушунчаси битта тушунча дейишса иккинчи гуруҳ олимларимиз лизинг бошқа тушунча ижара бошқа тушунча деб таъкидлаганлар. Иккинчи гуруҳ олимлар фикрларига қўшилган ҳолда лизинг ва ижара бошқа-бошқа тушунча яъни лизинг билан ижаранинг фарқи шундаки лизингда лизингга олинаётган мулк тўловлар тўланиб бўлгандан сўнг лизингга олувчи ҳисобига ўтади. Ижарада эса мулк доимо ижарага берувчи шахс номида қолади. Лизингнинг энг кўп тарқалган тури сифатида қуйидагича гуруҳлаш таклиф этилган:

- оператив ёки хизмат кўрсатувчи лизинг;
- молиявий, капитал ёки тўғри лизинг;
- қайтариладиган лизинг.

Ушбу гуруҳлаш энг оддий ва амалиётда кенг қўлланилади. Лекин унда лизингнинг тўлиқ моҳияти ва хусусиятлари очиб берилмаган. Шу сабабли муаллиф томонидан лизингни гуруҳлаш таклиф этилди. Бунда лизингни гуруҳланишининг энг оддий усулларидан бошлаб, энг мураккаб хусусиятлари бўйича туркумланиши таклиф қилинмоқда. Шу нуқтаи назардан муаллиф томонидан улар умумлаштирилиб, умумий ва хусусий томонлари ҳисобга олиниб, туркумланди.

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Малявина ва Попов илмий ишларида Лизинг операциялари – тадбиркорлик фаолиятининг тизими бўлиб, у ўзига учта ташкилий – иктисодий муносабатларни яъни, ижара, савдо ва инвестицион ҳамда молиявий лизинг операцияларни қамраб олган. Ибрагимов ва Ризаев адабиётларида лизинг операцияси лизинг объекти лизинг олувчи томонидан бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ишлатилиши кўзда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

Лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўзаро келишилган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ лизинг объектининг жадал амортизация қилиш ҳуқуқига эга. Томонларнинг келишувига кўра лизинг шартномаси уч томонлама (сотувчи-лизинг берувчи- лизинг олувчи) ёки икки томонлама (лизинг берувчи ва лизинг олувчи) тузилиши мумкин. Газман фикрига кўра, лизинг иштирокчиларини бевосита ва билвосита гуруҳларга бўлади. Яъни бевосита қатнашчиларга лизинг берувчи, лизинг олувчи, маҳсулот сотувчилар бўлса, билвосита иштирокчилари эса, тижорат банклари, суғурта компаниялари, лизинг брокерлари ҳисобланади.

Усатова, Сероситан ўзларининг ўқув қўлланмаларида тижорат банкларида лизинг операциялари бухгалтерия ҳисобининг мақсади ҳисоб тизими ва фойдаланувчилар учун банкнинг лизинг операциялари тўғрисидаги маълумотларни тан олиш, ўлчаш, уларни жамлаш ва аниқ етказиб беришдан иборатдир. Лизинг операциялари жараёнида кўрилиши мумкин бўлган зарар ва

йўқотишларнинг риск даражасини баҳолаб бориш зарурлигини таъкидлаб ўтган. Сабаби ишлаб чиқариш бўйича тузилган ҳар қандай битим йўқотишларга, яъни рискка боғланган. Риск даражасини тушириш бўйича бир қанча усуллари мавжуд бўлиб, улардан энг муҳими бу суғурта ҳисобланади.

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ


Ушбу мақолада хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари, илмий монографиялари, ўқув қўлланмалари ва мақолаларини таҳлил қилиш, статистик таҳлиллари, жадвалларни аналитик таққослаш, гуруҳлаш, миқдор ва сифат кўрсаткичларни ҳисоблаш, уларни бир-бири билан солиштириш каби услублардан фойдаланилди.

### ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Лизинг (молиявий ижара) ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.

1-расм<sup>1</sup>

Лизинг портфелининг ҳажми (млрд. сўмда)




2021 йилнинг 1-ярим йиллиги якунларига кўра лизинг портфелининг ҳажми 5 трлн. 430 млрд сўмни ташкил қилган, бу 2020 йил якунлари билан солиштирганда 4,3% га кам. Сабаби – коронавирус пандемияси ва 2020 йил давомидаши ҳамда 2021 йилнинг 6 ойи мобайнидаги у билан боғлиқ чекловлар. Бироқ, ўтган йил билан солиштирганда янги лизинг битимларининг ҳажми

<sup>1</sup> <https://ula.uz/uz/archive>

ошган (+8,8%). Шунингдек, лизинг бозоридаги янги битимларнинг асосий улуши одатда йилнинг иккинчи ярмига тўғри келишини қайд этиш жоиз. 2021 йилнинг иккинчи ярмида янги битимлар ҳажми биринчи ярим йиллик билан солиштирганда сезиларли даражада ошиши ва тахминан 5-10% ўсиш билан лизинг амалиётлари портфелида ижобий акс этиши кутилмоқда.

**2-расм<sup>2</sup>:**

Янги лизинг битимлари ҳажмининг динамикаси (млрд. сўмда)



2021 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича янги лизинг битимларининг ҳажми 8,8% га ошган, бу ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда 102,7 млрд сўмга кўп бўлиб, 1 268,9 млрд.сўмни ташкил қилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда лизинг (молиявий ижара) жараёнлари ҳамда улар ҳисоби ва ҳисоботига яна қуйидаги 3 та Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари таъсир қилади:

- 1-сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»;
- 5-сонли «Асосий воситалар»;
- 6- сонли «Ижара ҳисоби».

Лекин дунёдаги бирон-бир мамлакатда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига тўлиқ амал қилинмайди, балки улар ҳисоб юритишнинг умумлаштирилган ва бир шаклга келтирилган тартиб ва қоидалар тўплами, деб ҳисобланади. Бу фикрни биз ҳам қўллаб-қувватлаган ҳолда, Ўзбекистонда ҳисоб тизими ва молиявий ҳисоботлар тартибини халқаро стандартларга ўтказишни аста-секинлик билан миллий стандартларни жорий этиш орқали амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Халқаро стандартлардан фойдаланиш, аввало, давлатнинг бошқа бир тизим, ундаги бошқа бир ҳисоб ва ҳисоботлар тизимидан Иқтисодиётни модернизациялаш устувор бўлган ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитидаги давлатда шаклландиган ва шаклланиб борадиган

<sup>2</sup> <https://ula.uz/uz/archive>

бухгалтерия ахборотларини таққослаш имконини берувчи бухгалтерия ҳисоби концепцияларини ишлаб чиқилишида намоён бўлади.

6-сонли «Ижара ҳисоби» номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартининг 3- бандига асосан бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари нуқтаи назаридан ижара 3 га: лизинг (молиявий ижара); узоқ муддатли ижара; қисқа муддатли ижарага бўлинган. Стандартга мувофиқ лизинг (молиявий ижара) ижара муносабат-ларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчида) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ун икки ойдан ортиқ муддатга беради.

### ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб шуни айта оламизки, лизинг муомалаларининг дастлабки ҳисоби амалиётини кўриб чиққанда, лизинг олиш учун кўпгина ҳужжатлар тайёрланиши кераклигини кўриб чиқдик. Лекин шу ҳужжатларни йиғиш учун анча вақт йўқотилади ва лизинг олувчилар учун ушбу вазият қийинроқ. Шунинг учун бизнинг фикримизча, айрим электрон ҳужжатлар лизинг жараёнида тақдим этилмаса бу Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлар учун жуда осон ва қулай шароит яратиб берилган бўларди. Бундан келиб чиқиб, лизинг олиш учун ҳужжатлар сони камайтирилса, кўпгина корхоналар лизинг муомалаларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлайдилар. Лизинг олувчида лизинг ҳисобини юритилишида алоҳида субсчётлар очилса, ушбу вазият корхона раҳбарлари учун жуда қулай ва тезкор маълумот олишда ўз ўрнига эга бўлади. Шунинг учун лизинг олувчи корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритилиш буйича Ҳисоб сиёсатида ушбу субсчётлар очилиши кўрсатиб ўтилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Холикулова, Ю. (2023). Iqtisodiyotimizda transport-logistika xizmatlari tashkil etilishi va uning rivojlanishi. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(02), 122–126. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp122-126>
2. Khaitov, S. S., Nazarova, M. N., Urmonbekova, I. F., Xoliquiliva, Y. P. Q., & Bozorova, O. R. (2023). Mechanisms of Development of the Country's Economy through Bank Loans. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 3(4), 9–15. Retrieved from <http://www.inovatus.es/index.php/ejine/article/view/1575>
3. Ibragimova I.R. Stages of financial reporting implementation in the Republic of Uzbekistan // International Journal of Marketing and Technology. – Vol. 11 Issue

- 11, November 2021. (ISSN: 2249-1058 Impact Factor: 6.559 ). (1-12 p.)<https://ula.uz/uz/archive>
4. Xoliqulova, Y. (2022). STEPS IN THE PROCESS OF DENATIONALIZATION AND PRIVATIZATION OF PROPERTY IN UZBEKISTAN. Journal of Integrated Education and Research, 1(6), 6–10. Retrieved from <https://ojs.rmasav.com/index.php/ojs/article/view/368>
  5. Қличев Б. (2023). Операцион фаолият таҳлилини ташкил этиш масалалари. World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>;
  6. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev, (2022). Moliyaviy hisob. (Darslik). ISBN 978-9943-8915-9-3, UO‘K: 657(075.8)
  7. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИИ: ОБЯЗАТЕЛЬСТВО ИЛИ КАПИТАЛ. In Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции (pp. 146-154).
  8. O.Xudoyorov (2017) Importance of credit risk management in banks. Экономика и бизнес: теория и практика № 5. <https://cyberleninka.ru/article/n/importance-of-credit-risk-management-in-banks>
  9. О. Бозорова. (2023). ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНГИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 24–29. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2779>
  10. Ibragimova Iroda Rashid qizi (2023). Problems of planning the external audit process in commercial banks. International Journal of Management, IT & Engineering. Vol. 13 Issue 05, May 2023, ISSN: 2249-0558, [https://www.ijmra.us/project%20doc/2023/IJME\\_MAY2023/IJME2May23\\_Uz\\_b.pdf](https://www.ijmra.us/project%20doc/2023/IJME_MAY2023/IJME2May23_Uz_b.pdf)
  11. Бозорова Озода Рахимовна. (2023). МАМЛАКАТИМИЗДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 178–185. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2548>
  12. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // Бюллетень науки и практики. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>
  13. Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш хажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>
  14. Amonovich, T. S., Alijonovich, A. Z., Abdullaevich, K. M., & Solijanovna, A. S. (2022). Impact of Taxes on the Bank’s Profit. INTERNATIONAL JOURNAL OF SPECIAL EDUCATION, 37(3).
  15. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И

- Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)
16. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>
  17. Абдуллаевич Қ.М. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.
  18. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 12(3), 3–12. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2558>
  19. Назарова Муслима Назаровна. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ. World Scientific Research Journal, 12(2), 214–228. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2552>
  20. Назарова, М. (2022). ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ МИКРОКРЕДИТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И АНАЛИЗ ИХ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ. Экономика и образование, 23(4), 73–80. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/566>
  21. Назарова, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ФАОЛИЯТИ: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a11](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a11). Экономика и образование, 23(3), 71-78.
  22. Салимов Шерзод Бахтиёрович. (2023). Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес корхоналарини венчур капитали орқали инновацион фаолиятини молиялаштириш. World Scientific Research Journal, 12(2), 229–236. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2553>
  23. Салимов , Б., & Салимов , Ш. (2023). Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадлари ва ривожланиши. The Innovation Economy, 1(01), 14–19. Retrieved from <https://ojs.qmii.uz/index.php/ej/article/view/354>
  24. Ibragimova I., Tursunov U., Nosirov A. Auditing of financial reporting in the republic of Uzbekistan.// International Journal of Management, IT & Engineering- Vol. 9 Issue 7, July 2019, ISSN: 2249-0558
  25. Қличев Б.П. (2022 а). Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. “Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар”, ISSN: 2181-0567, 4 (20)-сон, 170-175, УЎК: 338.4 (575.1) <https://ifmr.uz/journals/18>;
  26. О.О.Худоёров, & Х.Х.Гойипов. (2023). ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ. World Scientific Research Journal, 12(2), 244–253. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2555>

27. Қличев Бахтиёр Пардаевич (2023 б). Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолиятида ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 2, April 2023. ISSN: 2181-1016, <http://interfinance.tfi.uz/?p=2696>
28. О.О.Худоёров, & Ш.О.Фозоров. (2023). МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРИНИНГ ЎРНИ. World Scientific Research Journal, 12(2), 254–262. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2556>
29. Shadibekova Dildor, Nosirova Nargiza, Bozorov Ilyos, Berdiyeva Uguloy. (2020) Prospective Development Analysis of Small Business and Entrepreneurship of Uzbekistan. Test Engineering & Management. March-April 2020 ISSN: 0193-4120 Page No. 1733-1743 <http://www.testmagzine.biz/index.php/testmagzine/article/view/3815/3347>
30. Бозоров Ильёс Исомиддинович, & Эргашова Сабрина Кузимуратовна. (2023). МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ЖОЗИБАДОРЛИГИ ВА УНИ МОЛИЯЛАШ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИ . ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 108–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2789>
31. Саидова, У. (2020). EXTERNAL ECONOMIC ACTIVITIES OF UZBEKISTAN: PROBLEMS AND SOLUTIONS. <https://scienceproblems.uz/index.php/journal/article/view/16>
32. Saidova, O. R. (2020). ISSUES OF IMPROVING THE FOREIGN TRADE OF UZBEKISTAN. Economics and Innovative Technologies, 2020(2), 12. <https://core.ac.uk/download/pdf/336867043.pdf>
33. Султанов, М., & Ахмедова, З. (2023). ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТИТОРЛАР ОРКАЛИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка, 12–14. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/18953>
34. Султанов, М. (2020). Значение стоимости чистых активов как показателя, отражающего привлекательность инвестиционных фондов. Экономика и инновационные технологии, (5), 115–122. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11782](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11782)
35. Тулаев, М. (2022). МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1181>
36. Тулаев, М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. Экономика и инновационные технологии, (5), 52–60. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12137](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137)